



Бундан ўн йилларча илгари бозорларимизда тарвузнинг бир янги тури пайдо бўлди. Чопониям, магзининг рангию мазасиям ўзимизникларга ўхшамасди. Амриконинг тарвузи экан, дея бошлишди одамлар. Хаммани хайратга согани — бу ажнабий тарвуз хали ёз росмана кирмай туриб, ўнта-ўнта, йигирмата-йигирмата бўлиб пештахтада кўриниб коларди. Олдинлари мабодо харидор: "Тарвузингиз пишганми?" деб сўраб колса, дехкон ёки сотувчи: "Худо билади, ака, ичига кириб чикмаганман", деб ўзини эҳтиётлаб кўярди. Энди эса, бу ажнабий тарвуз тури чиккач, сотувчи кўлидаги пичокни ўйнатиб: "Кепколинг тарвузнинг додахўжасига! Луб-бой нарез! Кизил чикмаса, пул тўламанг!" деб катта кетадиган бўпколди.

Чиндан хам, кесган тарвузи кизил чикар эди.

Сабабини бир-икки йилдан кейин билгандай бўлдим. Бир дехкон танишим сирини очди: "Амрико айёр-да, хамаклигиданок ранг кирадиган турини яратиби, — деб изох берди. Кейин бир оз ўйланиб туриб: — Лекин барибир мазаси жуда унака эмас. Сайлуга бораман десангиз, чилланинг ўрталарида боринг, ўшанда росмана маза киради", деб кўшиб кўйди.

Мазаси жуда унака бўлмаса хам, янгилик деб одамлар ола бошлади, ишкибозлари кўпайди ва аста-секин бу истарасиз кўкчипор тарвуз бозорларимизни тўла эгаллаб олди. Шахсан ўзимга келсак, бу тарвуз пайдо бўлган кунидан менга ёқмаган. Рангиям, мазасиям. Илк кўрганимда ранги канакадир сунъий кизил туюлган бўлса, мазаси хам ўзимизнинг мармар, аштархон, кумсангир, олачопон, корачопон... тарвузларимизнинг табиий мазаси ўрнини босолмади, назаримда. Лекин, тан оламан, бу тарвуз кўпчиликка ёқди, хамма хар жойда шуни ея бошлади ва тез орада ўзимизнинг жайдари тур тарвузларни эсдан чикариб кўйди. Рангиниям, мазасиниям...

Пойтахнинг Чорсу бозорига бир дехкон ёз охирларида мармар тарвуз олиб кирди. Менга ўхшаб кўкчипорни емай, ўзимизникини кутиб юрганлар бор экан, кўзларимиз кувонди. "Нимага буни экмай кўйдиларинг, кута-кута бу йил хали тарвуз емадик?" деган сўрогимизга дехкон: "Олсаларинг, экаверамиз, одамлар олмаяпти-да. Сўйдириб кўради-да, унча пишмабди, деб кетворади", деб жавоб килди. Чиндан, "мармар" бир озиш кизил бўлади ва унинг пишгани шу. Амрико тарвузи эса, куюк кондай кип-кизил бўлгани билан бу кизиллиги сунъийдир. Дарров унутибмиз-а...

## Хандалакни кутиб

Илгари ота-боболаримиз: "Ковун-тарвузнинг уруги ерга тушди — куз келди", дейишар эди. Бундан хакикий жайдари тур ковун-тарвузларимиз кузак якинлашганида пиша бошлагани ва ейилгани билинади. Холбуки, эндиликда хали баҳор охирламаёк, масалан, хандалакнинг чикишини кутиб-согиниб турган бир пайтимиизда, лоп этиб бу айёр тарвуз пештахталарга чикиб кетяпти! Яъни, одамлар оғзи хали хандалакка тегмай туриб, тарвуз еб кўйяпти.

Тўгри, илм-фан тўхтаб турмади, бошка соҳаларда бўлгани каби, дехкончилик илми хам роса ўсади. Олимлар эқинларнинг тезпишар, серхосил, касалликка чидамли турларини топиш учун тинмай изланишяпти. Дехконлар хам караб тургани йўқ. Иложи борича тезрок бозорни әгаллаш, ракобатда ютиш ва кўпроқ пул топиш истаги уларни хам тинч кўймаяпти. Натижада йилдан-йил уруглар сараланиб, айникса полиз эқинларининг пишиш муддати кискариб боряпти. Бу холни тан оламиз ва, агар табиийлигини бузмасдан янги турлар яратилаётган бўлса, факат кўллаб-куватлаймиз.

Аммо хамма гап ўша табиийликнинг бузилаётгани, хатто, Олмониянинг "Focus" журнали далолатига кўра, инсон саломатлигига нихоятда хатарли бўлган усуслар билан "янги навлар" яратилаётганидадир: «Ирсий чатиштиришлар турларарагина эмас, балки оиласлараро, синфлараро, хатто хукмрон турлараро (м., ўсимлик билан хайвон организмлари, курт-кумурска билан ўсимлик, хайвонлар билан хашаротлар, баликлар билан ўсимликлар... ирс (ген)лари ўзаро аралаштирилиб) амалга ошириляпти. Яъни, табиатнинг асосий конунлари бузиляпти. Олдинлари ейиш мумкин бўлмаган организм (м., вахший хайвонлар, захарли ўсимликлар, хашаротлар, бактерия ва микроблар в.х.) ирс-ларидан ирс ташувчи сифатида кўлланиляпти. Вахоланки, бу каби изланишлар узок муддатли тест текширувларидан ўтказилмади. Бу маҳсулотлар истеъмол учун кай даражада фойдали ёки заарли эканини хеч ким билмайди... Канадалик молекуляр микробиология бўйича профессор Жон Фаган бундай дейди: "Бугун чатиштирилган ирс (ген)ларнинг овкатларда кўлланиши худди ўриснинг рулетка ўйинига ўхшайди: сўнгти натижа маълум эмас..."» ("Focus", "Копконга кўйилган текин пишлок")\*.

Журнал яна гувохлик беришича, совукка, муддатга, йўлга чидамли навини яратиш учун памилдорига акула ирси, колорадо кўнгизидан химоя килиш учун картишкага чаён ирси, курт тушишидан саклаш учун олма-нокка курт ирси чатиштириляпти ва хоказо, бодрингга чаён, тарвузга одам, кўйга чўчка...

Бунака хавфли йўллар билан яратилган "сер- хосил", "тезпишар" навлардан албатта одам чўчийди-да. Биз янгиликка хеч хам карши эмасмиз. Аммо бу "янгиликлар" канака янгилик эканига, сабаб ва окибатларига эътибор каратмокчимиз, холос.

Бизнинг диёрларимизда мева-чеваларнинг иклим шароитимизга мос катъий пишиш-етилиш тартиби бор эди. Ота-боболаримиз кишдан чикарда дарахт меваларидан: олдин тут ерди, кейин эртапишар гилос, олча, сўнгра олманинг эртапишарини, ўрик, шафтоли ва хоказо... буёги кечки меваларга уланиб кетарди; полиз эқинларидан: олдин кулупнай (гарчи у кейин пайдо бўлган мева бўлса хам), кетидан бодринг, хандалак, памилдори (бу хам биз учун нисбатан янги ўсимлик), ковун-тарвуз ва хоказо... Шу тарика

тана-вужудларини кишки очликдан халос этиб, муайян бир кетма-кетлика хар хил зарур дармондорилар билан тўйинтириб бораради. Бу жараён (дармондориларга тўйиниши жараёни) вужуднинг табиий эҳтиёжига кўра, керакли муддатларда ва табиий мевалар хисобига юз берар эди. Энди-чи?

"Болалигимдаги хандалаклар йўқ. Кани у ис? Кани у таъм?" деб бир гал кўмсаб гапирсам, зукко акаларимиздан бирлари бундай изох бердилар:

"У пайтлар меваларни ўз вактида ердик, хозир баъзи ковун-тарвузлар хандалакдан олдин пишяпти... тўгрироги, пишириляпти. Ковун-тарвуз еб кўйган оғизга хандалак мазали туюлармиди?! Колаверса, карияпмиз, таъм билгич хужайраларимиз хам карияпти..."

Хужайраларимиз кариётгани чин, лекин хандалак масаласида биринчи айтилган сабаб кўпроқ "айб"ли эканини тан олишимиз керак...

## Бозор ва ватанпарварлик

Мен бир нарсага хайронман: бунча киска вакт ичиди амрико тарвузи полизларимиздан, бозорларимиздан деярли барча маҳаллий-жайдари тур тарвузларни кандай сикиб чикара олди? Бу сурбет уруглар шу кадар кудратлими, борган жойида факат галаба киладиган?!

Тўгри, бозорда ватанпарварлик туйгуси хамиша хам бўлавермайди. Агар давлат аралашмаса ёки бўш кўйиб берса, бу зарур туйгу ўрнини пулсеварлик туйгуси эгаллаб олади ва ватанпарварлик тугул, тескари ишлар хам бўлиб кетади бозорда. Бу аралашиш бозорни чеклаш хисобланмайди, балки халк манфаатини, мамлакат манфаатини, хатто хавфсизлигимизни таъминлаш бўлади. Масалан, эркин бозор сиёсатини тарғиб-ташвик этаётган ўша Гарб давлатларининг ўзини олиб кўрайли. Улар хам ички бозорларини мамлакатлари манфаатига уйгун холда ушлаб-бошкариб туришади. Четга, айникса, энди ўсиб келаётган мамлакатлар бозорига сифатлию сифатсиз молларни тўсиксиз олиб кириш учун "эркин бозор" гоясини зўр бериб тикиштиришларига, хатто бу йўлда турли йўллар билан босим ўтказишларига карамай, ўз ички бозорларини каттик туриб химоя килишади. Товар бир хил бўлса, маҳаллийига имтиёз беради, четдан кирмокчи бўлаётган мол йўлига сифат, устама бож сингари талаблар билан тўсиклар кўяди.

Дейлик, автомобил ишлаб чиқарувчи бир мамлакат халкига биринчи навбатда ўзининг мошиналарини ўтказиш учун четдан кирадиганларга бож хакини ошириб кўя-ди. Ва бундай чорага хаклидир хам. Худди шунинг-дек, маҳаллий саноатни шакллантириш ва ўстириш учун, масалан, Хитойнинг сифатсиз пояфзали, кийим-кечаги йўлига тўсик кўйиб, Андижон косибчилик мактабини, Кўкон кийим-кечак саноатини рагбатлантириш айни халкимиз манфаатига мос тушади.

Шу усуслни дехкончилик (уругчилик) соҳасида хам кўллаш керак. Агар бугунги кетув ўз холига ташлаб кўйилса, эртага кеч бўлади. Хозирнинг ўзида, масалан, памилдорининг турли-туман маҳаллий уруглари бозорда колмади — экилмаяпти. Хаммаёкни Амриконинг каттик, сувсиз-мазасиз, ирсияти ўзгартирилган памилдорилари босиб кетди. Бу йил хартугул жайдари бодринг хам кўриниб турди, лекин янаги йили нима бўлади — Аллоҳ

билиди. Ёз ўрталаридан ўтиб, кузга келибгина Тошкент бозорларига памилдорининг "Юсупов" нави чиқди, олиб ея бошладик. «Олмаки» ёки «ўзбекистон» навлари умуман кўринмади хисоб. Бизга нима бўлган ўзи, дунё емагида-ичмагида маза истаб, дармондори истаб, табиийлик истаб диёrlаримизга келяпти, биз бўлсак, фитрати бузилган, ясама – табиатнинг эмас, "илм-фан"нинг "мевалари"га ишкимиз тушиб колди?!

## **Курумсок милёнер**

Ёз охирлари эди. Ишхонамизга бир танишим, унга илашиб бир бегона йигит хам кириб келди. Сухбатлашиб ўтирдик. Гап айланиб, бозор-ўчар, мева-чевага такалди. Хозир бутун Оврупада ирсияти ўзгартирилган маҳсулотлар масаласи кўтарилигани, каттик тортишувлар кетаётгани айтилди. Шу дамгача индамай ўтирган халиги бегона йигит бирдан сўзга киришиб, амриколик катта бир бизнесменга шопирлик киладиган ўртогининг хикоясини гапириб берди:

"Хўжайн билан бозорга кирсак, олма-нок керак бўлса, сархилини олмайди, якинигаям йўламайди, нукул буррак-суррагини, курт тушганларини олади. Ўзи милёнер-у, жуда курумсок. Тагинам ўзимизнинг халкимиз сахий экан, меҳмонга деса, бор-будини сарфлаб бўлсаям тозасини кўяди дастурхонга", деган экан ўртоги.

Оврупада кечаётган машмашаларни эштиб, меҳмон шошиб колди.

— Гап бу ёқда экан-да... – деди хайратланиб.

Ха, ўлманг, биродар! Милёнернинг бозордаги килиги унинг курумсоклигидан эмас, меванинг асилини ва тозасини билишидан, табиийини кадрлаганидандир. Бизнинг у "сархил" олма-нокларга бор-будимизни сарфлаётганимиз сахийлигимиздан эмас, ирси ўзгартирилган ясама меваларни хали-хозирча яхши танимаётганимиздан, ўзимизнинг жайдари, табиий, фойдали ва нихоятда мазали (балки шунинг учун курт тушадиган) меваларимизнинг хакикий баҳосини билмаётганимиздандир!

Бозор хам хозирча маҳаллий мева-чеваларимизнинг кадрини билмаяпти. Билганида, юртимизга четдан пахмок тўрхалтачаларда (лекин худди микроблар сингари сездирмай) бостириб кириб келган у сохта мевалардан кўра ўзимизнинг табиий, жайдари меваларимизни кадрлаган бўлар эди. (Овунтирадиган бир хол: бу йил жайдари кулупнай "ясама"ларидан сал кимматрок бўлди!)

## **"Олдингдан оккан сувнинг..."**

Чиндан, олдимииздан окаётган сувнинг кадрини ўзимиз билмаяпмиз. Юз йигирма йиллик мустамлака шароитида онгу юракларимизга мутелик-хорлик рухияти шу кадар ўрнашиб колибдики, яхшими-ёмонми ўзимизга хос хусусиятлар хам бўлиши мумкинлигини ва бу хусусиятлар яшашга хакли эканини унутиб юборибмиз. Ўзимизни паст, ўзгаларни юкори,

ўзимизни оркада, ўзгаларни илгор, ўзимизни факат эргашувчи, ўзгаларни етакловчи хис килиб колибмиз. Натижада бугун юртимизга, хонадонимизга хар канака (кийим-кечагу асбоб-ускунадан тортиб, ёт тил ва ёт маънавиятларгача) каланги-касанги товар бемалол бостириб кириб келяпти. Яхши-ёмонини фаркламай кабул киляпмиз. Четники бўлса бўлди. "Ўзимизники!" деган гуур йўқ. Хатто тилда хам, адабиётда хам, илмда хам, ахлокда хам, уй-жой курилишию (евромонт, евростандарт!), мана, энди дехкончиликда хам — хамма соҳада шу кайфият хукмрон; ўлчовлар бегона. Бу тушкун холатдан кутулиш чораларини тез ахтармасак, миллатимизни миллат килиб турган ўзак хусусиятларимиз емирилади. Аллоҳ сакласин.

Кичкинагина бир мисол. Бундан ўн беш йиллар бурун бирдан узунчок нонларга ишкибоз бўлиб колдик. Кандайдир суюк хамирдан тайёрланган кучсиз, гози йўқ пўкак нонлар ўзимизнинг сўлкилдок тандирондан чиройли кўринди кўзимизга. Мамлакат "Докахлеб"ларга тўлиб кетди. Холбуки, юртимиздан кўчиб кетган битта яхудий бу пайтда Нуййорк кўчаларида тандир ўрнатиб олиб, иш ахтариб борган ўзбекларга нон ёптириб, карсиллатиб пул ишлаб ётибди! Нега деганда, тандир хам, тандирон хам буюк, дунё-да ўхшали ўзимизни тандир ўрнатиб олиб, иш ахтариб борган ўзбекларга нон ёптириб, карсиллатиб пул ишлаб ётибди! Нега деганда, тандир хам, тандирон хам буюк, дунё-да ўхшали ўзимизни тандир ўрнатиб олиб, иш ахтариб борган ўзбекларга нон ёптириб, карсиллатиб пул ишлаб ётибди! Нега деганда, тандир хам, тандирон хам буюк, дунё-да ўхшали ўзимизни тандир ўрнатиб олиб, иш ахтариб борган ўзбекларга нон ёптириб, карсиллатиб пул ишлаб ётибди!

Хайрият, тандиронимизнинг афзаллигини тез орада тушуниб етдик. Лекин барибир бу нонни ёпиш усулларимиз хали хам ўша-ўша даражада – ота-боболаримиз кашф килган холида колиб кетяпти.

Шунга киёсан карасак, бугун далаларимизда тўла хукмонликни памилдорининг, бодринг- нинг, тарвузнинг, олманинг, нокнинг факат бир турига — ўзидан уруг колдирмайдиган, ясама ва эхтимол, саломатликка заарли турига бериб кўйиш окибати ўйланмаган иш бўлар эди.

## **Диккат, огох бўлайлик! Окибат нима бўлиши мумкин?**

Дунёдаги бор тирик мавжудотнинг табиий хаёти битта мазмунга – уруг (насл) колдиришга боғланган. Шундай хусусият билан яратилган улар. Улкан дарахт йил бўйи жимитдеккина уруг учун ишлайди. Олма дарахтининг ёки тарвуз палагининг максади инсонга олма ёки тарвуз мевасини пишириб бериш эмас, балки ўзидан насл-уруг колдиришдир. Бу уругларни хилма-хил шакл- ли ва турлича мазали мевалар ичida етилтириш конуниятини йўлга кўйиб, уларни инсон наслининг давомийлигига сабабчи неъмат килиб бергани Аллоҳнинг хикматидандир. Демак:

Биринчидан, уруг колдириш кобилияти ўлдирилган, ирсияти ўзгартирилган маҳсулотларни кўпайтиришда ва дунёга ёйишда ХАЁТ деб деб аталмиш бебахо неъматнинг табиий мувозанатига жиддий хатар бор.

Иккинчидан, ўзидан уруг колдирмаслик хусусияти сурункали истеъмол натижасида инсон вужудига хам сингиб, охир-окибатда одам хам насл колдириш кобилиятини йўкотиши мумкин.

Учинчидан, саратон ва семириш касалликларининг кўпайишига сабаб бўлиш эҳтимоли кучли. Ўтган йилги маълумотларга караганда, АҚШда 59 милён киши ёг босиш касалига чалинган. Бундан бор-йўги ўн йиллар бурун бу касалликка чалинганлар хозиргидан тўрт баравар кам бўлганини хамда айни ўтган асрнинг 80-йилларидан бошлаб пештахталарни ирсияти ўзгартирилган махсулотлар эгаллаганини хисобга олсак, шу далилнинг ўзи одамни ўйлаб кўришга мажбур килади.

Тўртинчидан, акула, чаён, чўчка, курт-ку-мурска, хар хил микроблар, пашша каби жониворларнинг ирсияти (гени) чатиштирилган меваларни давомли ейиш окибатида болаларимиз ва невараларимиз эртага жабра ёки дум, канот ёки туёк билан тугилмайди, деб хеч ким кафолат бера олмайди. Чунки бу уругларнинг тиббий асоратлари лаборатория шароитида махсус тахлил килинмаган ("Focus").

Бешинчидан ва балки энг муҳимини "Focus" журнали бундай тушунтиради: "Сиз уруглик ишлаб чикарувчи ширкат (ва мамлакат)ларга буткул карам бўлиб коласиз. Бундан кейин сиз ўз хоҳишингиз билан эмас, балки уларнинг хукми билан ишлашга мажбур бўласиз.

Хар йили экиш учун улардан уруг сотиб олишга мажбурсиз, сизда танлаш имкони бўлмайди, кандай уруг беришса, шуни оласиз, чунки ўзингиздаги табиий уруглар йўқ бўлиб кетган. Эътибор беринг, чатиштирилган уруг ишлаб чикарувчилар бошда бу уругларини сизга текинга таклиф килишади. Обдан шу уругликдан фойдаланишга ўтиб, кўлингиздаги (мамлакатингиздаги) экологик тоза, анъанавий уругларни йўкотиб бўлганингиздан кейингина уларнинг баҳосини англайсиз, кадрига етасиз. Ирсияти чатиштирилган уругликлар сизга неча пулга тушганини ўшандагина тушунасиз. Нима учун улар уругларини бошда текинга беришларининг сабабини энди англагандирсиз? Ха, текин пишлок фактат копконда бўлади".

Бундай уругликлар ишлаб чикарувчи "Monsanto" ширкати Амрико кишлок хўжалиги вазирлигига эмас, балки мудофаа вазирлигига тобе экани, яъни, бу ясама уругларни дунёга ёйиш вазифасини мудофаа вазирлиги елкасига олгани хам изохга хожат колдирмайдиган бир холдир.

## Кичкинагина хulosा

Энг лўнда хulosса шуки, бу ишларнинг таги шилта. Шилта бўлмаса, бу масала хозир бутун Оврупада, балки бутун дунёда бунчалик ("EURONEWS" кўрсатувини кузатиб боринг) киз-гин тортишувларга сабаб бўлмас эди. Демак, хали кеч бўлмасидан туриб, биз хам бу муаммога эътиборимизни каратайлик. Фанлар Академияси, Кишлок хўжалик, Согликни саклаш вазирликлари, Аграр университети, Уругчилик илмий тад-кикот институти ва бошка мутасадди идоралар уругчилик соҳасида дунёда ва мамлакатимизда юзага келган вазиятни жиддий тахлил килиб, илмий хulosаларини берсинлар. Шунга кўра биз хотиржам халта кўтариб бозорга тушайлик.

Колаверса, тобора дунёни әгаллаб бораётган ясама уруглар хакидаги тортишувлар кандай натижага билан тугашидан катъи назар, асрлардан бери тупрокларимизга мослашган ва ота-боболаримиз асрраб-авайлаб, бизгача етказиб келган ўзимизнинг жайдари уруглар кейинги киска вакт ичидаги, шундоккина кўз ўнгимизда, йилдан-йилга

йўколиб бораётгани нихоятда ачинарли холдир. Бу йил хам бозорларимизда эски нав бодринг-памилдори ё тарвузлар яккам-дуккам кўринди. Кўзларимизга суртиб, уйларимизга олиб бордик, болаларимизга едирдик, эслатдик, танитдик. Лекин эртага-чи? Эрта бир кун тагин кўлда бўш халта билан, бозорнинг кок ўртасида, бир хил бодринг, бир хил памилдори, бир хил олма, бир хил нок, бир хил тарвузлар куршовида, теваракка олазарак караб: «Ўзимизнинг "мармар"у "аштархон", "олачопон"у "корачопон"лар кани?! Нашватию жоноки, "олмаки"ю "ўзбекистон" кани?!» деб колмайлик.

Нуруллоҳ Мухаммад РАУФХОН